



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 29 август, №178 (3290) Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботи мустақамлаш, ҳуқуқ фаиларини ри-вожлантириш, ўзларининг бил-ва ҳаётини тажрибаси асосида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва жасурилик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда кўп йиллик фидокорона хизматлари учун куйидагиларга фахрий ун-вонлар берилсин:

лиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

Давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини юксалтириш, миллий хавфсизлигини муҳофаза этиш, Курола Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ҳамда ҳуқуқ-тартиботи мустақамлашдаги катта хизматлари учун куйидагилар муко-фотлансин:

**I даражали «Шон-шараф» ордени билан**  
Иноят Рустам Расулевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**  
Адил Мирсамад — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Бердимуратов Усман Юлдашев — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жабборов Музравжон — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Исоев Марат Дамирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими


Рахманов Рустам Каримович — Мудофаа вазирлиги батальон командири Салиев Зокир Тулқун-Адилевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Шамуралов Алишер Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда).



## Бугун

**Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлайди**



Рашид ГАЛИЕВ ва Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

28 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вил-лотлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўрин-босари, иккинчи чақириқ парламентнинг ўн иккинчи сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ички гу-руҳи раҳбари Б.Бугровнинг сессияга тай-ёргарлик дарида амалга оширилган иш-лар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлисининг бўлуси сессияси муҳокамасига киритил-лаётган масалаларни муҳокама этишлар ҳамда уларни ўн иккинчи сессия иши кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қил-дилар.

Парламент қўмиталари ва комиссия-ларининг раислари Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмурад-ов ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбо-сари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат бюджетининг 2003 йил би-ринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғри-сидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молия-вий ҳужжатининг биринчи ярим йиллик-даги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъ-қулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, Олий Мажлис ўн иккинчи сессиясининг Котибига таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракция-лари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари де-путатлари блоклари раҳбарлари билан ке-лиш-килиш олинган номзодларни ҳам қўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вако-латига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Кеча Бюджет, банк ва мо-лия масалалари қўмитаси-нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси ўринбо-сари Р. Каримов бошқарди. Депутатлар иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн ик-кинчи сессияси кун тарти-бига қўйилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллиги-даги ижроси юзасидан Мо-лия вазири М. Нурмурад-ов ахборот берди. Ҳисобот да-рида Давлат бюджетининг ижроси ялпи ички маҳсулот-га нисбатан 0,5 фоиз про-цент билан бажарилгани таъкидланди.

Қўмита аъзолари «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси қонуни лойиҳасига биринчи ўқиш-дан кейин киритилган ўзгар-тиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Йиғилиш сўнгига қўрил-ган масалалар юзасидан те-гишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунини Кенгашнинг ва суд-ҳуқуқ масалалари қўми-тасининг ҳам сессия олди

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИДА

Йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарди. Депутатлар гуруҳи дастлаб «Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисига сай-лов тўғрисида»ги қонун (янги тахрири) лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ҳақида фикр юритди-лар. Шунингдек, «Халқ де-путатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа бир неча қонун лойиҳалари бўй-ича ҳам таклиф-мулоҳазалари-ни билдирдилар.

Йиғилишда қўрилган ма-салалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлисининг Хал-қаро ишлар ва парламент-лараро алоқалар қўмитаси-нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Э. Вохи-дов бошқарди. Мажлисда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн иккинчи

сессияси кун тартибига ки-ритилган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шу-нингдек, Трансмилий ўша-ган жиноятчиликка қарши БМТ конвенциясини рати-фикация қилиш тўғрисида-ги масала қўриб чиқилди.

Маълумки, ўн биринчи сессияда мамлакатимиз раҳ-барини Исрол Каримов Аф-ғонистондаги Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қадрлар аҳволи ҳақида гапирган эди. Шу муносабат билан Бобур номидаги халқаро экспеди-ция жорий йилнинг 4—24 август кунлари Афғонистон-да бўлиб қайтди. Экспеди-ция раҳбари, Олий Мажлис депутати З. Машрабов са-фар давомида амалга оши-рилган ишлар ҳақида ҳис-обот берди.

Йиғилишда кун тартиби-га киритилган масалалар

юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу кунини Олий Мажли-сининг ҳам сессия олди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб мазкур қўмита ра-иси Азамат Зиё бутун бошла-нажак парламент сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ахборот берди. Шундан сўнг қўмита аъзолари сессия муҳокамаси-дан жой олган қатор қонун лойиҳаларини муҳокама этиб, уни бир овоздан маъ-қуллади.

Йиғилишда, шунингдек, қўмита ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Олий Мажлис депутатла-ри ҳар қайси қўмита ва ко-миссия йиғилишига тўпла-нишаркан, бўлажак сессия-

гача қандай ишлар қилинган ва улар халқимиз ҳаёти, турмуш тарзига нечоғли наф келтиргани ҳусусида фикр-лашади. Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссия-сининг йиғилишида ҳам шундай бўлди. Унда иккин-чи чақириқ Олий Мажли-сининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонунлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар тўғрисида ҳамда комиссиянинг икки сессия оралиғидаги фаоли-яти ҳақида комиссия раиси М.Миролимов ахбороти тинглади. Маълумки, шу пайтгача қабул қилинган ко-нунларнинг бирортаси мазкур комиссия эътиборидан четда қолгани йўқ. Натيجида қўллаб сўз ва атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобилла-ри яратилди. Улар тўғрисида, юридик атамалар лўғатига жамланди. Комиссия аъ-золари бунини мамнуният билан эътироф этишди.

Йиғилишда депутатлар ҳукмига ҳавола этилаётган қонунларнинг лойиҳалари муҳокамасида, сессия иши-да фаоллигини ошириш юза-сидан амалий таклифлар ҳам билдирилди.

## «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивали



## Бир анжуманки, гўзал, нуфузли

Тарихий манбаларда бити-лашчи, араблар суғларининг кўпгина мусиқа асбобларини ўзлаштириб олганлар. Урта асрларда Европа халқлари ора-сида жуда машҳур бўлган лютня номи мусиқа асбоби-нинг ватани ҳам эканини Сўдиё-на — Самарқанд эканлигини дунё олимлари тан олганлар. Сўдиёнада машҳур бўлган чоғу-га асбобларининг шоҳи — уд дастлаб араб мамлакатларига ўтди, сўнг араблар орқали Европага тарқалиб лютня номи билан машҳур бўлиб кетди.

— Бундай мисолларни

кўплаб келтириш мумкин, — дейди самарқандлик тарихчи олим Амриддин Бердимуродов. — Аммо XX аср мусиқа санъа-тимиз ҳам миллий маданияти-мининг бошқа соҳалари каби оғир даврни бошдан кечирди. Танбур, дутор каби мусиқа ас-бобларидан тараладиган нафис оҳанглари, бахшларимиз ижро этадиган дostonларни англандан бироз маҳрум бўлди. Уларга эскилик сифа-тида қаради. Ҳар икки йилда қадимий Самарқандда бўлиб ўтаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ана

шу бўшлиқни тўлдиршига, хал-қимизнинг бир неча минг йил-лик тарихига эга бўлган му-сика санъатимизни янада юқори чўққига кўтаришга хиз-мат қилади.

Кечагина иш бошлаган «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивалининг иккинчи кунини томошалар Ре-гистон майдонидан «Ешлик» боғи, «Яшил театр», «Мўжиза» амфитеатри, «Сўдиёна» боғи ҳамда Ургут, Тойлоқ ва Самарқанд туманларига кўчди.

(Давоми 3-бетда).

## Суз — фестиваль иштирокчиларига

## Бу ерга яна қайтиш ниятим бор

Шу кунларда «Шарқ тароналари» халқаро фестива-ли қизгин давом этмоқда. Ушбу санъат байрамига Эллидан ортқ мамлакатдан иштирокчилар ташриф буюришган. Мухбиримиз фестивални томоша қилиш учун келган чет эллик меҳмонлар билан суҳбатлашди:

Сабанати Ражан Пилан, пи-аниночи (Ҳиндистон):

— Мен Ҳинд кино филь-лари учун мусиқа басталай-ман. Бундай фестивалда би-ринчи марта иштирок эти-шим. Бугун умримда кўрма-ган асбобларни кўрдим ва улар таратаётган зақин таро-наларини тингладим. Ушбу фестивалда қатнашим мен учун жуда фойдали бўлди, chunki бу ерда дунё мусиқа мактаби вакиллари санъати билан танишдим.

Тобиса Хоз, талаба (Швей-цария):

— Мен Ўзбекистонга шу йилнинг апрелида келган эдим. Самарқанд мени ўз чиройи билан ром этди. Ўзбекистонга келишимдан буён мамлакат ҳақида умуман тасаввурга эга эмасдим. Фақат Самарқанд ва Бухоро ҳақида эшитган эдим. Фестивалга келиб ушбу шаҳар-

ларнинг буюк тарихини ўрган-дим. Бу ерга яна қайтиб кели-шим ниятим бор.

Итай Вэнд, сайёх (Канада):

— Фестиваль давомида мени бир нарсга ҳайратга солди. Евро-па мамлакатларидан келган санъаткорлар осёнлик ҳамкасб-лари билан бемалол жўр бўла-дилар. Германиялик санъат-корларнинг ўзбек ва тожик халқ кўшиқларини ижро этиш-лари мени тўқинлантириб юборди.

Бу ерга келишимдан олдин маҳаллий халқнинг сайёҳларга нисбатан муносабати ҳақида кўп ўйладим. Бироқ келганим-дан кейин шу нарсга амин бўлдим-ки, бу мамлакатнинг одамлари жуда ҳам меҳмондўст экан.

Ватанингиз катта салоҳият-га эга. Бу нафақат моддий, бал-ки маданий ва тарихий сало-ҳият ҳамдир. Агар ушбу бой-

Жулия Вензел, талаба (Гер-мания):

— Бу заминга келишимдан олдин Ўзбекистонини жуда кам-бағал ва орқад қолган мамла-кат сифатида тасаввур қилар-дим. Самарқандга келгач, бу ердаги мадрасалар ва бошқа тарихий ёдгорликларни кўриб жуда ҳайратландим. Мамлакат-ларининг бой тарихи ва мадания-ти мени ниҳоятда қизиқти-риб қолди.

Фестивалга келадиган бўлсак, уни ўтказиш учун Са-марқанддан яхши жой бўлма-са керак. Эллидан ортқ мам-лакатдан келган санъаткорлар-ни бир саҳнада учрашишни тасаввур ҳам қилиш қийин. Саҳна кўринишлари ва куйлар ҳамонанги таъсирчанлигини янада кучайтирди. Фестивал-да иштирок этаётганимдан хур-сандман.

Хуришд РАУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Депутатлар блокларида

Кеча ҳокимият вакил-лик органларидан сай-ланган депутатлар блоки йиғилиши бўлиб ўтди. Блок раҳбари Қ.Обидов бошқарган мазкур йиғи-лишда Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбо-сари А.Тухташев сессия кун тартибига киритил-ган «Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги, (янги тахрири), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қо-нунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкама-си тўғрисида»ги қонун (янги тахрири) лойиҳа-лари ҳақида ахборот бер-ди.

Йиғилишда, шунинг-дек, бутунги сессия му-ҳокамасига қўйилаётган бошқа қонун лойиҳалари ҳам қўриб чиқилиб, маъ-қуллади.

Кеча Сайловчилар та-шаббускор гуруҳлари Олий Мажлис депутатла-ри блокининг сессия олди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис XII сессиясига муҳокамага

## Партия фракциясида

Кеча «Адолат» Социал де-мократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси маж-лиси бўлди. Фракция раиси Т. Дамнов бошқарган йиғи-лишда партиянинг икки се-ссия оралиғидаги фаолияти, ўн иккинчи сессия кун тартибига

киритилган масалалар муҳо-кама қилинди.

Партиядан сайланган Олий Мажлис депутатлари парла-ментнинг бугун бошланадиган сессияси муҳокамасига кири-тилган қонун лойиҳаларини бир овоздан маъқулладилар.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 29 август кунини эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутат-лари 29 август кунини эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қодиров Рашидjon Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

«Дўстлик» ордени билан

Бобонов Пулат Разақович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

Девятков Анвар Қайумович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ахборот марказининг бошлиғи

Жиемуратов Қалъибек Умирбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

Искандаров Анварбек — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати бошлиғи

Макаров Павел Леонтьевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестрлар хизмати бошлиғи — бош ҳарбий дирижёр

Маслова Надежда Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлимининг катта прокурори

Решов Бахит Базарбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Солнев Юрий Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари

Шой Лариса Константиновна — Наманган вилояти адвокатлар ҳайъатининг адвокати

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ҳамда хизмат бурчи бажариш чоғида қўриқчилар ва маршалар учун мукофотланган:

«Жасорат» медали билан

Алимов Воҳиджон Мусақович — Мудофаа вазирлиги бригадасининг қўриқлаш взводи катта ўқинчи

Анварбеков Бобомурод Абдувалиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости ўқинчи

Ашурматов Муҳаммад Раҳмонбердиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости секцияси командир

Байрамов Муртазо Мустафавич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара райони бошлиғи

Бахриев Хуршид Ражаббекович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости секцияси командир

Болтаев Тилол Джуревич — Тошкент шаҳар бошқона бошқармасининг катта тезкор вакили

Гайров Баходир Файзуллаевич — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг бўлима командир

Галимов Рашид Салвоқович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гафуров Артур Владимирович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурмани

Гуфуров Зейнабидин Нематжоневич — Фарғона вилояти Боглод тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Джениязов Юсуф Осмаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси жиноят қилувчи ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Джурракулов Мустафоқул Абдуқадирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Донишев Қадиржан Пирмақтович — Мудофаа вазирлиги ўқув базасининг ўқув гуруҳи командир

Дурамов Нодиржон Махмудович — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Жамолов Исоқ Зайневич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг бошқарма бошлиғи

Зарипов Рафиқ Габделхайевич — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг отряд командир

Ибрагимов Абдулжалол Абдуқамалович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси

қармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати инспектори

Иброҳимов Абдулжабор Халидович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича инспектори

Иргашев Азамат Каримович — Бухоро вилояти бошқона бошқармасининг бўлима бошлиғи

Исмаилов Шухрат — Тошкент вилояти бошқона бошқармаси постининг кичик инспектор-кинолог

Исраилов Арслон Бегматович — Жиззах вилояти бошқона бошқармаси постининг катта инспектори

Мамалдиев Удубек Пулатбекович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маманов Алишер Маматович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Маматқулов Насриддин Бурхонович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционер

Матчанов Озод — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнги хавфсизлиги бўлимининг командир

Мирзаев Миргазам Ахатович — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Морозов Александр Ахмедович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мунов Алишер Мусинович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

Муратов Фахриддин Кадирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухаммеджанов Магрибжан Махмудович — Мудофаа вазирлиги бригадаси командир

Сабиоров Джахонгир Рузиевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлимаси бошлиғи

Сайдалиев Исомиддин Мухитдинович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Саламов Ботқиржон Абдуразақович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича катта инспектори

Саримсаков Махмуджон Тухташнович — Чирчиқ олий танқилар кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси

Тухтаев Шаймардон Шойлиевич — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости секцияси командир

Урдабаев Санг Сайдуллоевич — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қилувчи ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хакимов Шомурод Холбозарович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости секция командири

Хусанов Темур Собирович — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг чегара пости ўқинчи

Хусанов Баходир Рашиевич — Мудофаа вазирлиги батальон оператори

Шакирджанов Игорь Урманович — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари кўмондонининг биринчи ўринбосари

Шарипов Сайфулло Убайевич — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционер

Шукуров Абубек Гайбуллаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси патрул-пост хизмати бригадасининг милиционер ҳайдовчиси

Эрматов Қадиржан Уктамович — Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармасининг взвод командир

Эпичонов Отоҳон — Хоразм вилояти бошқона бошқармаси постининг бошлиғи

Элдиялов Шайхат Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Республикамизда тинчлик ва оқолиятлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ватанимизни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 26 август.

иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мудофаа қудратини юксалтиришда катта хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат» медали билан Абдуллаева Шаҳодат Қулшова — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасининг мудариси

Абсарова Лариса Хусанбековна — Фарғона вилояти прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори

Аллаяров Чарияр — Сурхондарё вилояти ақлия бошқармасининг бошлиғи

Базаров Узак — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

Бекмуродов Қурбон Дилмуродович — Бухоро вилояти бошқона бошқармаси «Олот» бошқона назоратини ўтказиш комплексининг бош инспектори

Бобоев Норбой Мехлиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Бойханов Зокиржон Бахритдинович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши раиси

Давлатов Ражаб — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Даниелян Эдуард Арамович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Есиркенов Қумекбай — Қорақалпоғистон Республикаси Муйноқ тумани прокуратурасининг терговчиси

Жамолдинов Мўлдинжон Мустафакудович — Фарғона вилояти Фурқат тумани суд ижрочилиги бўлимининг катта суд ижрочиси

Жўраев Фарҳод Жалолович — Жиззах вилояти Арнасой тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Исламов Зайниддин Мухитдинович — Тошкент Давлат юридик институтининг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедрасининг мудариси

Кильберт Раиса Геннадьевна — Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

Қуваева Гулсара Темировна — Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг судьяси

Мамалдиев Бутлар — Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси

Маматова Саламат — Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туман судининг раиси

Махмудова Бақпашия — Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари

Ниязметов Мирзорахмат Имометович — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг бошқарма бошлиғи

Сағирев Абдулажит Халидович — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Серикбаев Халдарбек Дуйсебаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқона кўмитаси раисининг ўринбосари

Тарасюк Александр Энилович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Таджибаев Абдурахман Абдурахмонович — Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тапирев Абдулло Товашевич — Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техника мактабининг ўқитувчиси

Тожиев Махмуджон Ахматқулович — Фарғона вилояти ақлия бошқармасининг бўлим бошлиғи

Турсунов Комилжон (марҳум) — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг ўқув маркази бошлиғи

Хурбоев Билолдин Эргашбекович — Андижон вилояти бошқона бошқармасининг «Маданият» бошқона пости бошлиғи

Шарипов Бахтиёр Шокирович — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил биринчи ярим йиллигида давлат бюджетининг ижроси аниқлаб олинган йўналишларга, қонунчиликда белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилди. Ҳисобот даврида Давлат бюджетига 1057,2 миллиард сўм даромад келиб тушди. Бюджет даромадлари харajatларга нисбатан 17,7 миллиард сўм миқдорда кўп бўлди.

Бюджет ижроси: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Давлат бюджетининг даромадлар бўйича ижросида баъзилар қўлдан кетди. Бунда иқтисодиётдаги солиқ юкни камайтириш йўналишида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилганини айтиб ўтиш лозим. Солиқ тўлашда рағбатлантирувчи усуллардан фойдаланиш мақсадида даромад солиғи ставкаси амалдаги 24 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилди. Бу ишлар чикаришини ўсишига, шу орқали барча даражадаги бюджет даромадларининг ошириш бажарилишига замин яратди. Бунинг натижасида олти ой мобайнида бюджетта ушбу солиқ тури бўйича режада белгиланганидан 1,8 миллиард сўм кўп даромад келиб тушди. Корхоналар ва ташкилотлар учун катта энгиллик ҳам яратди. Хусусан, 18,4 миллиард сўм миқдордаги маблағни улар ихтиёрида қўлдан кетиши билан жамоат фонди учун фойдаланишга имконият яратди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқарувчилари давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни исътомол товарлари билан тўндиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан исътомол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар беш йил давомида олган даромадларининг даромад (фойла) солиғини амалдаги ставкадан эса 25 фоиз кам тўлайдиган бўлиши. Ҳукуматимиз томонидан кичик ва ўрта бизнеснинг қўллаб-қувватлиниши ўз самарасини бериб, уларнинг даромадлари ҳамда ишлаб чиқариш бажарилишига замин яратди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 27 баравар кўп демакис.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетини ҳарajatларини оптималлаштириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтириш йўналишида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Асосий йўналиш — аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганини кучайтириш мақсадида Президентимиз Фармонида кўра, жорий йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20 фоизга оширилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан жами 89,2 миллиард сўм ажратилди. Авваламбор, 18 ёшгача болалари бўлган кам даромадли оилаларга бериладиган ижтимоий нафақаларни тўлаш учун 35,4 миллиард, бола икки ёшга тулганга қадар оналарга бериладиган ҳар ойлик нафақаларга эса 26,2 миллиард сўм ажратилди.



уҳун 4,6 миллиард ажратилди. Бундан ташқари, солиқнинг сақлаш ва спорт соҳасига давлат бюджетидан 93,1 миллиард сўм, бошқача қилиб айтганда, жами бюджет харajatларининг деярли 9 фоизи ажратилди. Унинг 86,6 фоизи маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилди. Ҳисобот даврида Давлат бюджетини ҳарajatларидан маданият, илмий-тадкиқот ва ижтимоий таъминот соҳаларига ҳам белгиланган маблағлар тўлиқ ажратилди. Шунингдек, «Обод маҳалла йили» муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурига асосан республика аҳолисининг табиий газ ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 4 миллиард сўмлик бюджет маблағлари йўналтирилиб, 436 маҳаллага (2600 километр узунликда) газ қувурлари тортирилиб, ишга туширилди. Бюджет ҳисобидан капитал қўйилмаларни, ишлаб чиқариш ва коммунал-хўжалик лойиҳаларини молиялаштириш ҳам алоҳида ўринга эга бўлди. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиялаштириш, айнқис, деҳқонларимизнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш вазифалари ҳам давлат бюджетини харajatларидан ўз ифодасини топди.

Ҳудудбери ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартибида бошқа масалалар қатори «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисидаги масалалар киритилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»

килиб тушди. Қонун лойиҳасига киритилган қўшимчалар ва аниқлашлар мазкур ҳужжатнинг ҳар томонлама бойитиб, шиқик-пухта бўлишига ёрдам берди. Аини пайтда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳақи олиб берилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш икки палатали парламент фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий база яратиш ишининг мантқиқий давоми бўлиб саналади. Агар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунлар ўзига парламент унинг палаталари ваколатлари ҳамда тузиллишини белгиловчи нормаларни олган бўлса, регламент ҳақидаги қонунлар ушбу конституциявий ҳужжатларнинг рўйбе-рўй шартларини белгилаб беради. Бундан ёндашув жуда алоқатли ва ҳаққоний бўлади.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий фуқаролик жамиятини куриш вазифасида биз босқичма-босқич, софитдамлиқ билан изчил амалга ошириш таъминлиги ривожланиши ушбу қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқаришнинг муҳим жиҳати бўлди. Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида шундай таъкидлаган эдилар: «Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолияти йўналтирилган, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда қонуний асосда конституциявий нуктага назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши, уларнинг ишида бир ҳиллик ва бир-бирини тақорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Аини пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро эътибор ва кибр-ҳавога берилишининг, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради».

Иккинчи гуруҳи юқорида қайд этилган қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқаришда Юрбосқимнинг янада кўриштирилган кенг қўламли ишларимизнинг мантқиқий давомидир. Сессия муҳокамасида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинади. Набатдаги сессия кун тартибига киритилган ушбу долзарб ҳужжатлар ҳақида Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.ИСМОИЛОВ фикри билан қизикдик:

Сўз - депутатларга ҲИМОЯ ҚАЛЪАСИ

Тўрабек ДОЛИМОВ, 12-Қорақамин савло округидан депутат: — Агар эътибор берсангиз, ўн икки йил давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос босқичма-босқич тараққиёт йўлини кузатиш мумкин. Қонунчиликда ислохотлар, айнқиса, 2000 йилдан сўнг кучайди. Йил сайин дунёга бўйлаётган юртимизга жаҳон парламентицилтининг энг намунади ва илгору кўринишлари, шаклу шамойиллари кириб келмоқда. Бугун иш бошлаётган сессия кун тартибидеги масалалар ҳам бир-бирдан муҳим. Маина, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олайлик. Унинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамкамиятига интеграциялашуви жараянига хизмат қилади. Еки миқозлар манфаатини мустаҳкамлайдиган «Банк сирин тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, кучли давлатдан кучли жамият сари ривожланишига асос бўлувчи «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг аҳамиятининг ҳам кам деб айтолмайсиз. Хуллас, иккинчи чакриқ, Олий Мажлисининг XII сессиясидан халқимизнинг умиди катта.

Эркин ДОНАЕВ, 138-Музабот савло округидан депутат: — Сўнгги йилларда аҳолининг ҳуқуқий билимлари ошаётгани сабабли улар онги ва дунёқарашидега тамоман янғича қараш ва мулоҳазалар пайдо бўлмоқда. Бундай савлочилар билан мулоқотда бўлиш депутатни фаолликка ундайди. Масалан, сессия кун тартибидеги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи яримда ижроси тўғрисидаги масалани олайлик. Бу давр мобайнида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси раванки учун катта маблағ сарфланди. Шубҳасиз, бу сарфхаражат замирида қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни техника воситалари билан таъминлаш мақсади ётади. Биргина сув ҳўжалигининг эксплуатация харajatлари учун 64,2 миллион сўм атрофида маблағ ажратилди. Демак, ҳукуматимиз ҳамда унинг қонун чиқарувчи олий органи вакиллари халқ фаровонлигини ошириш имкониятларини изламоқдалар.

Маматқул РАҲМАТОВ, 198-Қува савло округидан депутат: — Сессия муҳокамасида қўйилган масалаларнинг



ҳаммаси муҳим. Мен «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси савло тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш) алоҳида тўхталмоқчиман. У янги савлолар тизимидеги ислохотларни тезлатади. Бу — ҳаёт талаби. Бунинг депутатлар, кенг жамоатчилик, қолаверса, ўзини юрт раванки учун дахлдор деб билган ҳар бир фуқаро кузатиб турибди. Аини пайтда парламентчилик мактабининг тажрибаси ағча ошаганилиг муҳим. Зеро, қонунчиликда ҳамда янги савлолар тизимидеги ислохотлар, албатта, биз кутайдиган даражада амалга ошади ва халқимиз турмуш тарзини яхшилаш йўлида хизмат қилади. Мамалякат НОРМУДОВА ёнб олди.



Абрай Пардаев деган врач дўстим суҳбатларимизнинг бирида яхши гап айтиди. «Инсонда энг азиз нарса — меҳр. Энг нолик ва энг қудратли туйғу ҳам меҳр», деди.

Ушшоққина бир аёл буталоқдек боласини опичлаб ва яна иккинчи қўлида тутун кўтариб олганча куннинг иссиғида йўл тортаётганини кўриб, Пардаевнинг гапи хаёлимга урилди. Аёлнинг бола кўтарган қўллари толмайди. Тиззалари чалқашмайди. Ҳатто, пешонасидан тер оқмайди. Чунки у — Она, қалбида меҳрмуҳаббат лиммо-лим. Меҳр унинг қуввати. Қаноти.

Яқинда Шўрчи туманига таниқли бир хонанда келди. Унинг концертига кириш учун одамлар томошагоҳга оқиб бордилар. Хонанда кечикаверди. Лекин одамлар уни сабр билан кутдилар. Диққат билан кутдилар. Меҳрлари, ихлослари баланд эди-да. Хонанда, афсуски, томошагоҳга келмади. Мабодо, келган бўлса ҳам, саҳнага чиқмади.

Бу ҳолатдан томошабин асабийлашди. У чипта пулга ачингани йўқ. Бекорга кетган вақтига ҳам. У меҳри оёқости бўлганига ачинди. Томошабин ўша хонандани ҳурмат қиларди. Томошаларда ёзилган овозларнинг эъозлаб тингларди. Оғиздан бол томиб мақтарди. Ҳаммаси барбод бўлди. Ўша оқшом томошабин уйига бориб, хонанда овози ёзилган аудиокассеталарни кўчага улоқтирди.

Шундай. Меҳр, бу — жон дегани, иймон дегани. Меҳр кўйганингдан жонингни аямасан. Меҳрингни топтаганга ҳаром тукингни ҳам раво кўрмайсан.

Меҳр бу ўзимиз тасаввур қилмоғимиз қийин бўлган гаройиб синоат эмас. Меҳр оддий салом-алик. Ўзаро муомала. Меҳр, бу — ўзлинг. Биз қариндош-уруғчилик деймиз. Маҳалла-қўй, эл-овулчилик танишлар ўртасида ўзаро меҳрни бошлашга йўналтирилган ришталардир.

Одамларнинг бир-бирларига меҳри бамисоли жилга. Бир жилгаки, Ватан деб аталмиш улкан дарёга бориб туташади. Ватан дегани бу маълум бир чизиқлар билан белгилаб қўйилган курак ҳудуд эмас. Ватан тушунчаси квадрат километрларга, аҳоли сони деган рақамлар ўрамашига сиймайди. Ватан, бу — меҳр кўргони!

Озгина тушунмовчилик, майлагина адоват, манманлик ё таъмагирлик шу кўрғонга бир доғ, бир зарба бўлиб тушиши мумкинлигидан огоҳ бўлмоғимиз лозим.

...Бир мансабдор танишим шифохонага тушди. Иккита жароҳ ўша кишининг кўричагини сен эмас, мен олиб ташлайман, деб тортиша бошлапти. Торти-

Шу йигитнинг дўст-биродарлари сон-саноксиз. Сабоби дуч келган одамга хизмати синган. Кўринган одамнинг меҳрини забт этган.

Нуридин бир галги суҳбатда менга, «Франция де-рюл» деган гапни эслатиб қолди. Ундан, бу нима дегани, деб сўрадим. «Франция — ифтихорим» дегани экан. Қайси бир йиллари

дан ёмон фикр уйғонади. Ёмон фикрдан, табиийки, ёмон ишлар бошланади. Ёмоннинг, ёмонликнинг юзи курсин, деб шунга айтидилар.

\*\*\*

Юртбошимиз, раҳбар ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак, деган гапни бизга кўп уқтиради-

рлар қуйилиб келаётганидан сархуш бўлган шоирлар мисоли ўзини қўярга жой топпмай қолади.

Мана, сизга эл меҳрини қозониш мевалари.

Лекин... одамлар бир четда қолиб, фақат раҳбарлар билан гаплашадиган, фақат раҳбарларнинг тўйига борадиган, ишчининг, деҳқоннинг уйига кириб, унинг бир пиёла чойини ичишга вақт топпмайди раҳбарлар йўқ эмас. Лавозими қуйироқ одамга, гарчи унинг ёши отаси тенги булса ҳам, сен-сенлаб, бўлса-бўлмаса димоғ билан, дағал тил билан гапирадиганлар ҳам йўқ эмас.

Раҳбар ким? Раҳбар — етакчи. Раҳбар — жамиятнинг пешқадам бўлини. Сийсат намояндиси. Раҳбар эл-юртнинг меҳрини қозона олсин. Раҳбар билан одамлар ўртасидаги муносабат, меҳроқибат мустақкам бўлсин. Ана шунда Ватан боғлари гуллаб-яшнайд.

\*\*\*


Кўнглига ўтирмайдиган киши бор даврадан одамлар ўзини олиб қолади.

Лекин Ватан ичра кўнглинга ўтирмайдиган одамларни кўриб, уларга илдоа қилиб ўзингни ҳеч қаёққа олиб қочолмайсан. Чунки халққа, Ватанга илдоа қилиб бўлмайди. Ватанга илдоа хиёнатга барабар.

Курашмоқ керак. Ишламоқ, меҳнат қилмоқ, яшамоқ керак. Кураш ва меҳнатсиз шон-шухрат хазон бўлади, ҳатто.

Фақат... Яна боласини кўтариб бораётган онани эслаймиз. Ватан — Она. У бизни оқ юиб-оқ тараб, опичлаб, эркалаб, эъозлаб, бағрига босиб кўтариб бормоқда.

Ана шу ҳақиқатни англашдан кўнглиларимиз ёруғ тортгандай бўлади. Қалбларимизда меҳр булоқлари кўз очиб, тўлиб-тошиб бораётганини сезгандай бўламиз. Ҳа, меҳрларимиз тўлиб боради — ота-онамизга, фарзандларимизга, теварак-атрофимиздагиларга, шу она Заминга. Шу Она Ватан — Ўзбекистонга. Ва бу меҳр ашёр бўлиб, қўшиқ бўлиб жаранглайди.



# ВАТАН — МЕХР КЎРҒОНИ

шув тўрт соат давом этиб, кўричак ёрилиб кетмайдими. Ўша танишимни врачлар кўплашиб ажал чангалидан зўрга сақлаб қолдилар. Таги асли таъмагирликдан иборат бўлган ҳалиги икки «меҳрибон» врач билан бутун бировнинг саломлашиши келадими?

Меҳр шундай нозик туйғу. Исмаил Холқов деган танишим етмишинчи йиллари домлага бир калишни порага бериб, ўқишга кирганини ҳали ҳали гапириб юради. Қаранг, битта фирморлик билан ўша домланнинг оти калишга айланди. Калиш деган латифа дунёга келди. Битта калиш бутун бир одамгарчиликка, меҳроқибатга мавоза (бартер) қилинди.

Кумкўрғоннинг Очамайли дегай қишлоғида бир йигит бор — Нуридин Тожиёв. Уқитувчи. Техника жону дили. Ҳар қандай машинанинг ҳар қандай бузук қисми унинг ҳузурда тилга кириб, гапириб, дарини айта бошлайди. Езув машинасию, телевизор, компьютердан тортиб тикув агрегатларинида созлайди. Эшитаверсангиз, асалари, балиқчилик, паррандачилик ҳақида соатлаб гурунғ бера олади.

французлар шу шиорни ўртага ташлаган эканлар. Ватанимиз равнақ топсин, деб ҳатто, тилда тақинчоқларнинг ўртага қўйган эканлар. Ишчини, шоир, расомми, мулкдору йўқсими — ҳамма ўзини меҳнатга урган экан.

— Ўзбекистонимизни ҳам биз ўзимизча, айри-айрича эмас, биргалишиб севоғимиз керак, — дейди Нуридин. — Ўзбекистон, худого минг шукурки, фуқароларининг тилда тақинчоқларига муҳтож эмас. Ўзбекистон гўдакларини, қарияларини, ногиронларини оқ юиб-оқ тараб, боқиб турибди. Ёшларини ҳеч қимдан кам қилмай ўқитаяпти. Лекин Ватан ҳаминша ўз фуқароларининг ақиллигига, меҳрига, меҳнатига эҳтиёжман. Бировга ёлгон гапирганинг — Ватанга ёлгончилик қилганинг. Ер-биродарингга хиёнат — юртва иккиозламачилик. Битта фирморлик мингта меҳр-оқибат томирига болта уради. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Хиёнат, ёлгон хуфия бўлиб қолмайди. У ҳеч бўлмаганда мишмиш бўлиб атрофга сочилади. Нохуш миш-мишлардан ҳатто Ватаннинг вужудлари титраб қақшайди. Ёмон гап, ёлгон гап ёмон. Ёлгон гап-

лар. Бу гапни ўтган ҳафта Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида ҳам эслатиб ўтдилар.

Раҳбарнинг ёниб яшаши нима? Ёниб яшаш ёлқини (олови) атрофдагиларни куйдирмаслиги, кўнглини қабартирмаслиги, чўктирмаслиги лозим. Аксинча, бу ёлқин тафтидан одамлар баҳра олсин. Малал сезсин. Иккиланишлари ишончга, қийинчиликлари роҳатга айлансин.

Денов тумани ҳоқими Абдиҳаким Эшмуродов, «Ҳар кунлик юмушимни ишдан кейин бир ярим-икки соат таҳлил чиғирганидан ўтказаман», дейди. Ҳоқим фаолиятидаги асосий мезон — адолат. Гаплари — мухтасар. Одамларга ишонади. Лекин бирон шикоятни, бирон муаммони, бирон ташаббусни ўз кўзи билан бориб кўришга, албатта, вақт топа бўлади. Кундалик салом-алик, муносабатлар ўз йўлига. Ҳоқим учун муҳими — тўғри гап. Тўғри иш. Тўғри йўналиш. Биров уни чалғитмоқчи бўлса, салом беришдан унинг кўнглини уқиб олади. Суҳбат, мунозара давомида бирон яхши тақлиф, янги гап, ташаббус тугилиб қолса, қаламига шохона сат-

Дўстимам, Ватанга жонинг тиккамиз, Кўнгли орзулари фидо ўшанга...  
... Бепоев кенгликлар узра қанот қоқаверади бу туйғу.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«ЎЗИККИЛАМЧИРАНГЛИММЕТАЛЛ»**

**ОЧИК ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

серкўёш Ўзбекистон халқини республика

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИК АЙЁМИ**

билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчага сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, севилими Ватанимизнинг порлоқ келажакини яратишдек бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилаймиз!

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА**

**ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25  
132-10-63

242-хона

**«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ҚОШИДАГИ**

**«ЎЗЛИТТИнефтогаз»** очик акционерлик жамияти

04.00.17 — нефть ва газ конлари геологияси, уларни излаш ва қидириш ихтисослиги бўйича кундузги ва сиртки бўлимга 2003/2004 ўқув йилига аспирантурага қабул эълон қилади.

Хужжатларни 2003 йил 20 сентябргача тақдим этиши лозим.

Манзил: Тошкент ш. Т. Шевченко к., 2-уй, кадрлар бўлими.

Телефон: 56-75-07.

**«LG Electronics» компанияси Ўзбекистон халқини республикада мустақиллигининг 12 йиллиги билан табриклайди.**

**Тинчлик ва равнақ тилаймиз!**

**LG** **Ўзбекистонга меҳр билан**

**Ташкилот авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланади.**

- ✓ Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- ✓ Хар хил русумли шиналар.
- ✓ Энг арзон нарҳда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибьютерлигига тақлиф қиламиз.

Телефонлар: (998 712) 79-28-75, 79-28-73.

E-mail: urafd@rol.ru

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси бўлим мудир Баҳром Кўчқоровга оғаси **РАҲИМА ШОДИЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

Адлия вазирига жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик бўлими мудир Баҳром Кўчқоровга оғаси **РАҲИМАХОН** аянинг вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирни номидagi Тошкент давлат маданият институти ректорати «Чолгу жамоаларига раҳбарлик» кафедраси собиқ мудир, доцент **ПУЛАТ ХАЛИКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Мираломов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризиев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қанберганов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Вуторгма Г — 768. 22690 нуسخала босилган, ҳажми — 2 табоқ. Ўрсет усулида босилган. Қўл ости бичими А—2. Гўлетта ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамина ТОВАЕВ ва Аббар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳририятга ҳажми 5 коғоздан ишла материаллар қабул қилинмайди. П — Тижорат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — Х. Эшманов. Мусаввиф — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга тошпириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6